

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 11

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемурастов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Kucharov Jamshid Qulnazarovich

ROSSIYANING PAXTA YETISHTIRISH BORASIDAGI SINOV-TAJRIBALARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR (TURKISTON TO'PLAMI MATERIALLARI ASOSIDA) 11-14

Taʼbaev Amirbek Ashirbaevich

Б.Х.КАРМИШЕВА АСАРЛАРИДА “ИЛК ҚАБИЛАЛАР”ГА ОИД ЭТНОНИМЛАР МАСАЛАСИ 15-23

Ҳамаев Нодирбек Мўминович

ТУРКИСТОНДА ИСТИҚЛОЛ УЧУН КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИБ БОРИШИ ВА УНИНГ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ (1920-1924) 24-32

Tilavova Shahnoza Salohitdinovna

XIX ASR OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA BUHORO AMIRLIGIDA JADIDLARNING FAOLIYATI 33-36

Қозоқов Тоҳиржон Қодиралиевич

НАМАНГАНДА ҚОЗИЛАР ВА СУДЛАР ТАРИХИ 37-42

Артикбаев Ойбек Салимахамаатович

ЎЗБЕК-ҚОЗОҚ ЭТНОМАДАНИЙ АЛОҚАЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАРДА НАМОЁН БЎЛИШИ (XX АСР ТОШКЕНТ ВОҲАСИ МИСОЛИДА) 43-56

Atavullayeva Shaxlo Musoyevna

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BIRINCHI KONSTITUTSIYASINING YARATILISH TARIXI ... 57-62

8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Қўчқаров Файзулло Абдужабборович

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – АГРАР СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 63-70

Shao Junling

ANALYSIS OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN'S REGIONAL ECONOMY .. 71-76

Ashirov Nurmurod Qulmatovich

RAQAMLI TECHNOLOGIYALARDAN KENG KO'LAMDA FOYDALANISHDA BANK TIZIMINI IMKONIYATLARINI OSHIRISH YO'LLARI 77-82

Togayev Salim Sobirovich

BANK XIZMATLARIGA BO'LGAN ISHONCHNI OSHIRISH YOHUD MIJOSNI JALB QILISHNING SAMARALI YO'LLARI 83-89

Саттаров Ғанижон Озодович

МИНТАҚА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ОМИЛЛАРИ 90-96

<i>Yakubova Samira</i> LEVERAGING PUBLIC-PRIVATE PARTNERSHIPS: STRATEGIES FOR OPTIMAL INVESTMENT FINANCING	97-102
<i>Abdualiyev Hamidulla Toxirjonovich</i> OLIY TA'LIM MUASSASASINING INNOVATSIYALARNI BOSHQARISH TIZIMIDAGI LOYIHALARNI BOSHQARISH OFISI	103-109
<i>Egamberdiyeva Salima Rayimovna</i> XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA QISHLOQ XO'JALIGIDA AKTIVLAR HISOBINI TAKOMILLASHTIRISH	110-118
<i>Xolmamatov Diyor Haqberdievich</i> SANOAT KORXONALARINING BOZORDAGI MAVQEINI BAHOLASHDA SPACE TAHLIL USULIDAN FOYDALANISH	119-127
<i>Gafurova Dilshoda</i> INNOVATIVE MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION: ASSESSING STRATEGIES AND IMPACTS	128-132
<i>Xomidov Abdugaffor Axmadjonovich</i> TA'LIM SOHASIDA LOYIHALARNI BOSHQARISH	133-139
<i>Raxmonov Mirvoxid Rajabovich</i> NAVOIY VILOYATI ASOSIY KAPITALIGA INVESTITSIYALAR TUZILISHI VA DINAMIKASI TAHLILI	140-149
<i>Boyjigitov Sanjarbek Komiljon o'g'li</i> DON VA DONNI QAYTA ISHLASH KORXONALARIDA MARKETING XIZMATI SAMARADORLIGINI BAHOLASHDA SNW TAHLIL USULINING O'RNI VA UNI QO'LLASH XUSUSIYATLARI	150-159
<i>Aziza Umarova</i> AKSIYALARNI BIRLAMCHI OMMAVIY JOYLASHTIRISH (IPO) AMALIYOTI ORQALI MOLIYAVIY RESURSLARNI SHAKLLANTIRISHNING HORIJ TAJRIBASI	160-167
<i>Абдуллаев Бунёд Ўткирович</i> СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	168-178
<i>Matjonov Bekjon Ravshonbekovich</i> SOME CHARACTERISTICS OF ENSURING FOOD SAFETY IN UZBEKISTAN	179-185
<i>Алиматова Наргис Абдухалиловна</i> КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ-РАҚОБАТБАРДОШЛИК ОМИЛИ.....	186-197

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Kobulniyazova Gulchexra Toshpulatovna</i> F. NITSSHE "HAYOT FALSAFASI" KONSEPSIYASI IJTIMOY RIVOJLANISHNING IRRATSIONAL ASOSI	198-204
<i>Qaxorov Pulotjon Xursanmurodovich</i> INSON MOHIYATI, UNING BIOLOGIK VA IJTIMOY TABIATI	205-211
<i>Турсунов Лочин Эркинович, Хакимова Дилноза Юсуфхоновна</i> РАЗВИТИЕ ПРАВОВОГО СОЗНАНИЯ У ЖЕНЩИН В УЗБЕКИСТАНЕ	212-218
<i>Urinboyev Dilmurod Tura o'g'li</i> HUQUQIY FAOLLIK VA HUQUQIY MADANIYATNI RIVOJLANTIRISH MUOMMOLARI.....	219-225
<i>Яздонов Зикирилло Шукуруллоевич</i> АЛ-ҲАКИМ АТ-ТЕРМИЗИЙНИНГ СЎФИЁНА ҚАРАШЛАРИ ВА МАЛОМАТИЙЛИККА МУНОСАБАТИ	226-231
<i>Nabiyev Maxsud Abdumannonovich</i> IQTISODIY MADANIYATNING MAZMUNIVAMOHIYATI	232-238
<i>Haydaraliyev Shuhratjon</i> MARKAZIY OSIYODA MILLATLARARO MUNOSABATLARNING MILLIY VA MINTAQAVIY XUSUSIYATLARI	239-243
<i>Хамраев Сардорбек Шарафутдинович</i> ЭКОТУРИЗМ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ..	244-250
<i>Xashimov Sheraxon Jo'raxonovich</i> O'ZBEKISTONNING XALQARO IMIDJINI YUKSALTIRISHDA MILLIY TURIZMDAGI EKOLOGIK TURIZMNING TUTGAN O'RNI	251-260
<i>Хатамова Рашида Закиржановна</i> ПАТРИОТИЗМ КАК ЭЛЕМЕНТ КУЛЬТУРЫ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ	261-266
<i>Патиев Холдор Икромович</i> ЖАДИДЧИЛИК ҚАРАШЛАРИ НЕГИЗИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА ЖАМИЯТДА РИВОЖЛАНИШИ	267-275
<i>Ismoilova Hayitxon Maxammadjonovna</i> FARG'ONA VODIYSIDA OILA URF-ODATLARI VA QADRIYATLARINING TRANSFORMATSIYASI VA UNING IJTIMOY JARAYONLARDA NAMOYON BO'LISH XUSUSIYATLARI	276-280
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> GLOBALLASHUV VA OILA AXLOQIY MADANIYATINING O'ZARO ALOQADORLIGI	281-287
<i>Raxmankulov Farhod Raximkulovich</i> MULKDORLAR QATLAMIDA IJTIMOY MAS'ULIYAT TUYG'USINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI	288-292
<i>Shirinov Anvar Qanoatovich</i> MARKAZIY OSIYODA INSON TARAQQIYOTINING DOLZARB MASALALARI	293-299

Xandamova Marifat Akramovna
 “OSOR AL-BOQIYA” – ABU RAYHON BERUNIY ILMIY IJODINING DURDONASI..... 300-304

Teshaboev Muhiddin Marifovich
 IJTIMOY DAVLATDA IJTIMOY ADOLATNI TA’MINLASH VA IJTIMOY INSTITUTLARINING
 MAQSADI 305-311

Karimov Rahmat Rahmonovich, Bekbayev Rauf Rustamovich
 MADANIY ANTROPOLOGIYA FANINING PREDMETI VA IJTIMOY-GUMANITAR FANLAR
 TIZIMIDAGI O’RNI 312-320

Talapov Baxriddin Alijanovich
 DEMOKRATIYA VA SHARQONA BOSHQARISHNING ETNODIFFERENSIAL
 XUSUSIYATLARI 321-326

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Ayuzmuratova Nurjamal Dastembayeva
 КАРАКАЛПАКСКИЕ ЖЕНСКИЕ ЛИЧНЫЕ ИМЕНА..... 327-332

Olga Filippova
 ADDING REDUNDANCY FUNCTIONS TO CLUSTERED IMPLEMENTATION 333-345

Egamnazarova Zaynab Xolmurod qizi
 INGLIZ TILIDAGI RIELTORLIK FAOLIYATIGA OID TERMINLARNING O’ZBEK TILI O’ZLASHISH
 MASALALARI 346-351

Narzieva Gulnoza Akbarovna
 LEKSIK BIRLIKLARDA MILLIY – MADANIY KOD IFODASI 352-357

Qodirova Mukaddas Tog’ayevna, Ibragimova So’g’diyona Ikrom qizi
 INGLIZ-O’ZBEK TILLARIDA VERBAL VA NOVERBAL MULOQOT TABULARINING
 QO’LLANILISHI 358-362

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

Tўраев Сардор Абдихаким ўғли
 ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ
 ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ УМУМИЙ ЧОРАЛАРИ 363-371

Атаев Шокир Куранбаевич
 ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ
 АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ 372-377

Юсупов Илхомжон Ибодиллаевич
 ҲУҚУҚИЙ АНИҚЛИК ПРИНЦИПИНING АЙРИМ НАЗАРИЙ - ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ
 ХУСУСИДА 378-385

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

Adizova Nigora Baxtiyorovna
 MUAMMOLI TA’LIM ASOSIDA BOSHLANG’ICH SINIF O’QUVCHILARINING DIVERGENT
 TAFAKKURINI TARBIYALASH VA RIVOJLANTIRISH 386-390

<i>Tkacheva Anastasiya Aleksandrovna</i> O'ZBEKISTON OLIY O'QUV YURLARI TALABALARINING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH UCHUN ISPAN TILINI O'QITISHDA VIRTUAL REALLIKDAN FOYDALANISH	391-400
<i>Uralova Muxabbat Sanjar qizi</i> BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINIF O'QITUVCHISINING IJODIY-METODIK FAOLIYATINI TAKOMILLASHTIRISH.....	401-406
<i>Kenjabaev Jahongir Abdisalimovich</i> METHODOLOGY FOR TEACHING ENGLISH BASED ON INTERNET RESOURCES	407-411
<i>Abdusamatov Alisher Sobirovich</i> TA'LIMNI LOYIHALASHTIRISH JARAYONIGA SEMIOTIK YONDASHUV	412-417
<i>Ibragimova Ehtiyotxon Ismailovna, Sobirova Nargiza Numonjonovna</i> TA'LIMDA NOVERBAL VOSITALARNING O'RNI	418-422
<i>Babayeva Maxfuza Abduvaitovna</i> TA'LIMDA FANLARARO BOG'LANISHNING AHAMIYATI	423-429
<i>Nazarova Zarrina Allaberdiyevna</i> MAKTAB O'QITUVCHILARINING KREATIV SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH USULLARI.....	430-435
<i>Jumayeva Gulnora Tursunpulatovna</i> O'QITUVCHILARINING KASBIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISHNING SHART- SHAROITLARI	436-442
<i>Умаров Азиз Авазович</i> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АУДИОВИЗУАЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА	443-447
<i>Ahmadjonova Odina Anvarjon qizi</i> INGLIZ TILI DARSLARIDA O'QUVCHILARNING KOMMUNIKATIV NUTQIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI(STEAM TA'LIM TEXNOLOGIYASI MISOLIDA).....	448-453
<i>Otamurodova Shamsu Qamar Otamurodovna</i> DIVERSIFIKATSIYA TAMOYILI ASOSIDA TALABALARNING KREATIVLIGINI YUZAGA CHIQRISH METODIKASI	454-461
<i>Komilov Nodirbek Bokijonovich</i> THE IMPORTANCE OF THE HISTORY OF MEDICINE IN INCREASING THE EXCLUSIVE COMPETENCE OF FOREIGN STUDENTS	462-466
<i>Sapieva Nargiza Mamayusufovna</i> IQTIDORLI O'QUVCHILARNING KREATIV FIKRLASH KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNI IJTIMOIY-PEDAGOGIK QO'LLAB-QUVVATLASH	467-478
<i>Norqobilova Rayxona Davlatovna</i> XORIJIY FANLARDAN BOLALARNING MAKTABGA TAYYORGARLIGINING DIAGNOSTIKASI	479-484

<i>Mamatkodirov Maxammadali Mamatisakovich</i> SINFDAN TASHQARI MASHG'ULOTLAR UCHUN RAQAMLI VOSITALAR VA PLATFORMALARNI HAMDA O'QITISH USULLARINI TANLASH	485-492
<i>Irgasheva Umida Raimjanovna</i> TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI STEAM TEXNOLOGIYASI ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH	493-498
<i>Turayeva Lolaxon Yuldashevna</i> ERKIN MEXANIK TEBRANISHLARNI MAPLE DASTURIY VOSITASI YORDAMIDA O'RGANISH VA NAMOYISH ETISH	499-505
<i>Kushakova Gulnora Egamkulovna</i> TALABA YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI	506-510
<i>Kenjabayeva Dilafruz Abdisalimovna</i> OLIY O'QUV YURTI SHAROITIDA ZAMONAVIY O'QITUVCHINI TAYYORLASHNING DEONTOLOGIK KOMPONENTI	511-518
<i>Xasanova Gulnoza Raxatjanovna</i> KREDIT-MODULLI TA'LIM TIZIMI JARAYONIDA OLIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARINING MUSTAQIL ISHLARINI TASHKIL ETISH MUAMMOLARI	519-525

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Қўчқаров Файзулло Абдужабборович,
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси
Электрон почта: Kochkarov_F@mail.ru

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР – АГРАР СОҲАНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мақолада аграр соҳа тараққиётида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти очиқ берилган. Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолияти таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари асосида аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аграр соҳа, қишлоқ хўжалиги, инвестиция, хорижий инвестиция, инновация, меҳнат унумдорлиги, қўшма корхона, устав фонди, ер участкаси, табиий ресурслар.

Kuchkarov Fayzullo Abdujabborovich
Independent researcher of Tashkent Institute of Finance

FOREIGN INVESTMENT IS AN IMPORTANT FACTOR IN THE INNOVATIVE DEVELOPMENT OF THE AGRICULTURAL SECTOR

Abstract. The article reveals the role and importance of foreign investments in the development of the agricultural sector. The necessity and importance of attracting foreign investments in agriculture, the activities of enterprises with the participation of foreign investments are analyzed. Based on the results of the study, proposals and recommendations were developed aimed at improving the attraction of foreign investment in the agricultural sector.

Keywords: agricultural sector, agriculture, investments, foreign investments, innovations, labor productivity, joint venture, authorized capital, land plot, natural resources.

Кучкарров Файзулло Абдужабборович
Самостоятельный соискатель Ташкентского финансового института

ИНОСТРАННЫЕ ИНВЕСТИЦИИ - ВАЖНЫЙ ФАКТОР ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ АГРАРНОГО СЕКТОРА

Аннотация. В статье раскрывается роль и значение иностранных инвестиций в развитии аграрного сектора. Проанализированы необходимость и важность привлечения иностранных инвестиций в сельское хозяйство, деятельность предприятий с участием иностранных инвестиций. По результатам исследования были разработаны предложения и рекомендации, направленные на улучшение привлечения иностранных инвестиций в аграрный сектор.

Ключевые слова: аграрный сектор, сельское хозяйство, инвестиции, иностранные инвестиции, инновации, производительность труда, совместное предприятие, уставный фонд, земельный участок, природные ресурсы.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I11Y2023N08>

Кириш. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) прогнозларига кўра, «2030 йилга келиб тахминан 670 миллион киши ёки дунё аҳолисининг 8 фоизи очликдан азият чекади»[1]. Бундай ҳолат мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий манбаи бўлган аграр соҳани ривожлантириш, соҳага хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш зарурлигини тақозо этади. Аграр соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар натижасида ижобий ютуқларга эришилганлигига қарамай, соҳа ривожига ғов бўлиб турган муаммоларнинг мавжудлиги унда эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Аграр соҳада туб таркибий силжишларга эришиш республикамиз иқтисодиётининг юксалиши ва халқаро интеграциялашувини таъминлашнинг зарурий асосларидан бири эканлиги боис тармоқда кенг кўламдаги ўзгаришларни жадаллаштириш ва уни изчил давом эттириш масаласи аграр ислохотлар самарасини оширишни жиддий вазифа қилиб қўймоқда. «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида: «Аграр соҳага жами 15 миллиард доллар инвестицияларни жалб қилиш»[2] вазифаси кун тартибига қўйилди. Бунда мазкур ислохотларни амалга ошириш негизида унинг молиявий таъминоти масаласи ўта муҳим аҳамият касб этади ва аграр соҳани тез орада жадал ривожланишини таъминлашда тармоққа кенг ҳажмдаги инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаолиятини янада такомиллаштириш талабини кўяди.

Аграр соҳада иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги, ишлаб чиқаришдаги юқори самарадорликни, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, асосий капиталга бўлган талабни қондириш каби мавжуд муаммоларнинг ижобий ечимини топишга тармоқда инвестицион фаолликни ошириш орқалигина эришиш мумкин. Бу эса, мазкур муаммоларни ҳал этишда тармоққа инвестициялар оқимини кўпайтириш билан боғлиқ бўлган масалаларни тадқиқ этишни зарурият қилиб қўймоқда.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Аграр соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш, соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва молиявий таъминлаш масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоулар ўз изланишларида «қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси бўйича олиб борилаётган ислохотларни Хитой тажрибаси асосида тадқиқ этишган»[3]. И.Н.Буздалов «Россия давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ислохотлари тўғрисида»[4], И.Санду «қишлоқ хўжалигини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари ва унинг самарадорлиги тўғрисида»[5], И.Г.Ушачев «қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ва уларни давлат дастурига киритиш»[6] бўйича тадқиқотлар олиб боришган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Н.Хушматовнинг илмий тадқиқот ишида «аграр секторни ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви шу билан бирга ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг аграр секторини модернизация қилиш ва уни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳасидаги кўплаб муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўллари»[7] тўғрисида фикр билдирилган. Т.Х.Фармоновнинг илмий тадқиқот ишида «аграр секторни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш самарали тизимини шакллантиришнинг бошқарувга нисбатан институционал ва синергетик ёндашувларни уйғунлаштирган, бошқарувнинг мураккаб объекти сифатида агроиқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, бошқарувнинг асосий методологик тамойилларига асосланган, кўпроқ мослаштириш йўли билан бошқариш моделларини қўллашга йўналтирилган»[8]. Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқот ишида эса «қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш аграр секторнинг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги»[9] бўйича фикр билдирилган. А.Вахабов ўзининг илмий тадқиқотлари натижаларига асосланган ҳолда «аграр соҳани инвестициялаш жараёни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланиши шарт»[10], деган хулосага келган. Э.Шодмонов эса, «қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини беқарорлиги, инвестицион харажатларни молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятининг чекланганлиги шароитида лизинг асосида инвестицияларни молиялаштириш амалиётини кучайтириш, давлат буюртмасидан ортиқча ғалла ва пахтани фьючерс шартномалари орқали сотишни жорий қилишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаб берган»[11]. Ф.Жўраевнинг илмий ишларида «аграр соҳани инновацион ривожлантириш имкониятлари очиқ берилган ва қишлоқ хўжалиги соҳасида инновацион фаолиятни секинлаштирувчи асосий сабаблар кўрсатиб ўтилган»[12]. М.Раимжонова томонидан «қишлоқ хўжалиги ривожланишига инвестицияларнинг таъсири корреляцион таҳлил асосида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот билан инвестицияларнинг ўзаро боғлиқлиги тадқиқ қилинган»[13]. Аммо юқоридаги олимлар томонидан инвестицияларнинг назарий-амалий ҳолатлари умумий ҳолда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бошланғич босқичи шароитида таҳлил қилинган бўлиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда инновацион тараққиётни таъминлаш шароитида аграр соҳага жалб қилинган хорижий инвестициялар чуқур тадқиқ этилмаган.

Натижалар. Истеъмомчилик жамиятнинг узоқ вақтдан бери мавжуд бўлган жиҳати бўлиб, ўсиб бораётган аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун турли хил товарларга доимий талабдан келиб чиқади. Ушбу талабларни қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни узлуксиз ишлаб чиқаришни таъминлаш учун инвестициялар доимий такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш воситаси сифатида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Ҳар қандай жамиятнинг барқарор иқтисодий ривожланиши инвестициялар тушунчасидан ажралмасдир. Ҳозирги замонда мамлакатнинг келажакдаги тараққиёти унинг инвестицияларни жалб қилиш ва қўллаб-қувватлаш қобилияти билан чамбарчас боғлиқлиги тобора аён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан Президентимиз таъкидлаганидек, «Қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз


иқтисодиётнинг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди»[14].

Дарҳақиқат, инвестициялар иқтисодиётни модернизация қилишнинг бош омили. Ўзбекистон қонунчилигида «инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар»[15] сифатида тавсифланган. Демак, ана шу бойликлар иқтисодиётга чет эллик инвесторлар томонидан киритилганда чет эл инвестицияси тарзида эътироф этилади.

Қишлоқ хўжалигига инвестиция йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан, бу маблағларни асбоб-ускуналар, шунингдек, асосий активларнинг бир қисми ҳисобланган техник ресурсларни сотиб олиш ва ўрнатишга йўналтиришни ўз ичига олади. Шунингдек, у сув хўжалиги, омборлар, чорвачилик бинолари, иссиқхоналар, асбоб-ускуналарни сақлаш бинолари каби турли мақсадларга хизмат қилувчи турли иншоотларни қуришни ҳам ўз ичига олади. Бошқа инвестиция йўналишларига мевали боғлар барпо этиш, янги ер майдонларини кенгайтириш, ирригация ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш киради. Меҳнат унумдорлигини ошириш, йўл қурилиши, электр тармоқларини ривожлантириш, қурилиш лойиҳалари, асосий фондларни капитал таъмирлаш, модернизация ёки кенгайтириш ва бошқа тадбирлар орқали муносиб турмуш шароитларини таъминлаш орқали меҳнаткашларни чекка ҳудудларга кўчириш шартлари.

Ҳозирги шароитда инвестиция фаолигига, хусусан, аграр секторга эътибор қаратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу мақсадни амалга ошириш учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Республикаимизда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг зарурий ҳуқуқий асослари яратилганлиги бунинг амалий ифодасидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 мартдаги ПҚ-103-сон «Аграр секторни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни рағбатлантиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 августдаги 331-сон «Аграр ва озиқ-овқат соҳалари учун субсидия ажратиш тизимини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги, бир қанча давлатлар билан инвестицияларни ўзаро ҳимоялашни кафолатлаш ҳақида халқаро шартномаларнинг имзоланганлиги инвестиция муҳитининг ҳуқуқий шароитини яратишга ва мустаҳкамлашга имкон берди.

Бугунги кунда республикада яратилган инвестициявий муҳит иқтисодиётнинг бошқа соҳалари каби аграр соҳага ҳам инвестицияларни кенг жалб этиш имконини яратиб берди ва у йил сайин қулайлаштириб борилмоқда. Лекин, қишлоқ хўжалиги соҳасида инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича мавжуд инвестиция муҳитини қониқарли даражада, деб бўлмайди. Бунга биргина хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиш ҳолати ҳам исбот бўла олади (1-жадвал).



1-расм. Хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиш[16]

Маълумотлардан кўринадикки, 2022 йилда иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг атиги 4,8 фоизи иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этувчи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигига тўғри келган ва 2021 йилга нисбатан 0,4 фоизли бандга пасайиш тенденцияси кузатилган. Аксинча, саноат ва савдода хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг қарийб 30 фоизи банд, қурилишда эса бу кўрсаткич 8 фоизга тенг бўлган. Бундай ҳолатни, биринчидан, бундай йирик тармоққа ички имкониятлар чекланган ҳозирги шароитда хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш амалий ҳаракатларининг республикада ўта суғурилиб борилаётганлигининг оқибати билан боғлаш мумкин, иккинчидан, чет эллик инвесторлар учун мамлакатимиз аграр секторининг инвестициявий жозибадорлиги ўта паст эканлиги билан боғлиқдир.

Маълумки, аграр сектор доимо давлатнинг қўллаб-қувватлаб туришига муҳтож тармоқ ҳисобланади. Шу сабабли бу тармоқ давлат эътиборидан четда алоҳида ҳолатда ўз-ўзидан ривожланиб кета олмайди. Шунинг тасдиғи сифатида тармоққа бўлган эътиборнинг сусайиши унинг ривожланиш имкониятларидан тўла фойдаланиш даражасини таъминлаб бера олмаслигига олиб келиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Айниқса, бу ҳол иқтисодиёт тармоқларига хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб этиш бўйича давлат Инвестиция дастурида қишлоқ хўжалигига қаратилган эътиборда ҳам тўла намоён бўлади. Шунинг учун аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ички имкониятлардан унумли фойдаланиш, ажратилаётган барча турдаги субсидияларни тақдим этиш муддатларини узайтириш (бу аграр секторнинг ўзига хос хусусиятларидан, мавсумий характеридан келиб чиқади) ва инвестициялардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида мониторинг ишларини юритиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, давлат Инвестиция дастури асосида қишлоқ хўжалигига ва ундаги объектларни хусусийлаштиришга жалб этилаётган инвестицияларнинг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга қаратилган ҳолда, улар билан қўшма корхоналар тузилмоқда. Лекин қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик субъектларини ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни, хусусан, бевосита хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласи ўз ечимини кутиб келаётган жиддий муаммо ҳисобланади. Ушбу муаммоларнинг муҳими ечими сифатида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан хориждан олиб келинадиган ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган барча турдаги қишлоқ хўжалиги техникаларини, уларнинг бутловчи буюмлари ва эҳтиёт қисмларини божхона тўловларидан тўлиқ озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу аграр соҳада инвестициявий фаолликни таъминлаб беради.

Хулоса. Бизнингча, республикада қишлоқ хўжалигининг ўсишига кўмаклашиш учун давлатимиз томонидан хорижий хусусий инвесторлар ва маҳаллий фермер хўжаликлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Ушбу стратегик ёндашув кенг тарқалган молиявий ва технологик муаммоларни ҳал қилиш, пировардида миллий маҳсулотларнинг жаҳон бозорига киришини таъминлаш ва мамлакат қишлоқ хўжалигини АҚШ, Голландия, Дания, Исроил ва Буюк Британия каби давлатлар билан таққосладиган куч ва таъсир даражасига олиб чиқишга қаратилган.

Аграр соҳадаги мавжуд шароитларни ва тармоқ корхоналарида инвестиция фаолигини ошириш учун зарур шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда, аграр ислохотлар доирасида айрим масалаларни ҳуқуқий воситалар орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

Маъмурий аралашув: Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятига маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат органлари ва бошқа тегишли назорат ташкилотлари томонидан номақбул маъмурий аралашувни юмшатиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатишнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларини текширишлар: янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан икки йил муддатга режали текширишлардан озод қилишни, уларнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш зарур.

Бозорга кириш ва инвестиция имкониятлари: фермерларнинг бевосита ташқи бозорга чиқиш имкониятларининг чекланганлигини бартараф этиш, уларнинг валюта ва қимматли қоғозлар бозорларидан четланишини бартараф этиш ҳамда уларни юқори хавfli инвестиция объектлари сифатида таснифлаш масалаларини ҳал қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Бундан ташқари, давлат молиялаштириш механизмларига қарамликни камайтириш ва тижорат банклари кредитларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестициялар: қишлоқ хўжалиги сектори томонидан жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитларнинг бошқа тармоқларга нисбатан номутаносиблигини тан олиш жуда муҳимдир. Хорижий сармояларни жалб қилиш учун кенг имкониятлар яратиш, уларни турли манбалар билан тўлдириш, соҳага давлат инвестицияларини кескин қисқартиришга йўл қўймаслик иқтисодийнинг мутаносиб ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Структуравий ўзгаришлар ва жиҳозлар: давом этаётган таркибий ўзгаришлар қишлоқ хўжалиги инвестицияларида мақсадли ва тубдан технологик ўзгаришларни талаб қилишини тан олиш. Бу қишлоқ хўжалиги корхоналарини уларнинг талабларига мослаштирилган кўп функцияли, ихчам, бардошли, самарали ва тежамкор ускуналар билан таъминлаш мажбуриятини ўз ичига олади.

Бундай қийинчиликларга қарамай, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш рентабелли ва юқори самарадорликка эга бўлса, фермерлар ўз маҳсулотларини қандай етиштириш, қанча маҳсулот етиштириш, қаерда ва қачон сотишни мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлиши аниқ. Бу мухторият ушбу хўжалик субъектларининг аграр сектор иқтисодиётидаги ҳозирги ҳолатида ўз ифодасини топади.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, фермер хўжаликларида инвестиция фаоллигини оширишга адолатли ёндашиш, якка тартибдаги тадбиркорлар ва якка тартибдаги тадбиркорларга қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини лизингга беришни рағбатлантириш масаласини ҳал этиш саноатда инновацион ривожланишни рағбатлантиришнинг ҳал қилувчи омилдир. ишлаб чиқариш.

Адабиётлар/Литература/References:

1. ФАО, МФСР, ЮНИСЕФ, ВПП и ВОЗ. 2022. Краткий обзор. Положение дел в области продовольственной безопасности и питания в мире – 2022. Переориентация политики в области продовольствия и сельского хозяйства в интересах повышения экономической доступности здорового питания. Рим, ФАО. <https://doi.org/10.4060/cc0640gu>.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон «Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
3. Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. – М., 2001. – 68 с.
4. Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). – М., 2000. – 325 с.
5. Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы – эффективная форма интеграции науки и производства. – М., 1990. – 73 с.
6. Ушачев И.Г. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. – М., 2006. – С. 9.
7. Хушматов Н., Файзуллаева Т. «Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжаликларини ривожлантириш асослари»// Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. – 46 б.
8. Фармонов Т.Х. Фермер хўжаликларини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: «Янги аср авлоди», - 2004. – 30 б.
9. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислохотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислохотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: республика илмий-амалий семинар маърузалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. – Б.15.
10. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. Қишлоқ тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасини оширишда банк-молия тизимининг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. - Б. 15-23.
11. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банклар фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. илм. дар. олиш учун ёзилган дисс. автореф.. – БМА, 2005. – 124 б.;
12. Жўраев Ф.М. Тошкент вилоятида аграр соҳани инновацион ривожлантириш имкониятлари. «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий электрон журнали. 4-сон, июль-август, 2021 йил.
13. Раимжоновна М.А. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инвестицияларнинг ўрни. «Молиявий технологиялар» илмий электрон журнали. 1-сон, 2023 йил.

14. Инвестиция – иқтисодиётимиз драйвери | O'zLiDeP (uzlidep.uz).
15. ЎРҚ-598-сон 25.12.2019. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида (lex.uz).
16. www.stat.uz.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 11 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).